


Fidoyilik — vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

2022-yil 12-aprel, seshanba,
42 (23.609)-son

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

www.zarnews.uz https:/www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews_uz http...news_uz


**КУН ҲИКМАТИ**

Аниқ мақсадсиз тузилган режа ҳисобот учун қилинган кўзбўямачиликдир

**Президентимиз томонидан 2022 йил 8 апрелда "Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида"ги фармон имзоланди.**

## ЭНДИ ИМТИЁЗЛАР ФАҚАТ ҚОНУН БИЛАН БЕРИЛАДИ



Унга кўра, **2022 йил 1 июлдан бошлаб** божхона божлари бўйича имтиёзлар фақатгина Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан берилади. Бунда тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши хулосаси олиниши мажбурий ҳисобланади.

Фармон билан:

- ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларнинг транспорт воситасини бошқаришга лаёқатлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш билан лицензияси бор хусусий тиббиёт муассасалари ҳам шуғулланишига рухсат берилди;
- ҳарбий контингентнинг, солиқчиларнинг мажбурий давлат суғуртаси "Ўзбекинвест" суғурта компанияси томонидан амалга оширилиши ҳақидаги эксклюзив ҳуқуқ бекор қилинди;
- қишлоқ жойларда бош режаларни тузишдаги "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖнинг эксклюзив ҳуқуқи бекор қилинди;
- электр техника ускуналари ва қурилмаларини марказлаштирилган ҳолда харид қилиш бўйича "Энерго РЭС" МЧЖга берилган эксклюзив ҳуқуқ бекор қилинди;
- товарларнинг келиб чиқиши тўғрисида сертификат беришга оид экспертиза фақат "Ўзбекэкспертиза" АЖ томонидан ўтказилиши ҳақидаги норма бекор қилинди;
- ишлатилган техник мойларни тўплаш ва қайта ишлашга оид "Uz-Prista Recycling" МЧЖ ҚК эксклюзив ҳуқуқи бекор қилинди;
- Аҳолига ва ижтимоий объектларга суюлтирилган газ етказиб бериш бўйича "Ҳудудгазтаъминот" АЖнинг эксклюзив ҳуқуқи бекор қилинди;
- пахта маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги уруғларини сертификатлаштириш бўйича "Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази" ДУКнинг эксклюзив ҳуқуқи бекор қилинди;
- "Биринчи резинотехника заводи" МЧЖнинг қишлоқ хўжалиги ва автомобиль шиналарининг ягона етказиб берувчиси мақомига оид қоида бекор қилинди.

# Қўшработда илк бор ЮРАК ОПЕРАЦИЯСИ амалга оширилди

**Ўтган ҳафтанинг сўнгги иш куни қўшработликлар учун тиббиёт куни бўлди, десак адашмаймиз. Шу куни вилоятдаги 23 та тиббиёт муассасасининг бош шифокорлари бошчилигида 600 нафар шифокор Қўшработ туманида аҳолини хонадонбай тиббий кўрикдан ўтказиш билан бирга, бир нечта мураккаб жарроҳлик амалиётини бажарди.**

- Бирламчи тиббиёт тизими самарадорлигини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу каби тиббий кўрик ва тарғибот ишлари барча туманларда навбати билан амалга оширилмоқда, - дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Суҳроб Зайниев. - Қўшработ туманида турли йўналишдаги шифокорлар 45 та маҳаллада тарғибот ишларини олиб борди. Шунингдек, аҳолининг саломатлик билан боғлиқ мурожаатлари тингланиб, уларга тегишли тавсиялар берилди.

Шу куни Қўшработда илк бор юрак операцияси ўтказилди.



- Мамлакатимиз раҳбарининг тиббиёт ходимлари билан ўтказган очиқ мулоқотидан сўнг белгиланган вазифалар ижроси бўйича айни кунларда Ургут, Паст Дарғом ҳамда Қўшработ туманларида аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди, - дейди республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази вилоят филиали бош врачи Мақсуд Саидов.

– Бир ҳафта давомида Қўшработда 1200 нафар бемор бирламчи скрининг текширувидан ўтказилди. Кўрик натижасида 300 нафарида юрак қон-томир касалликлари, жумладан, 57 нафари операцияга муҳтожлиги, уларнинг 5 нафарида бу жараённи кечиктириб бўлмаслиги аниқланди. Шу асосида туманнинг ўзида операция қилишга келишдик.

-Самарқандлик шифокорлар тиббий кўрик ўтказганда, қизимнинг юрагида нуқсон аниқланди, - дейди Қувкалла маҳалласида яшовчи Муниса Аҳмедова. - Катта қизимда ҳам ўтган йили шундай хасталик кузатилганди, аммо уни вилоят марказига олиб боришга маблағимиз йўқ эди. Бугун вилоятдан шифокорлар келиб, ҳаммасини ўзлари қилишяпти. Шукр, операция муваффақиятли ўтди.

Дарвоқе, эндиликда нафақат бугунги беш нафар бемор, балки кўрикда аниқланган, юрак операциясига муҳтож барча беморларда Қўшработ туман тиббиёт бирлашмасида жарроҳлик амалга ошириладиди. Вилоят кардиология маркази шифокорлари ҳар шанба куни шу ҳудудда операция ўтказишади. Шунингдек, қўшработлик шифокорларнинг вилоят марказида малака ошириши йўлга қўйилиб, келгусида ушбу операцияларни маҳаллий жарроҳлар амалга ошириши режалаштирилган.

Шунингдек, травматология, эндокриноголия, акушер-гинекология, кўз касалликлари билан боғлиқ жарроҳлик амалиётлари соҳанинг малакали шифокорлари томонидан амалга оширилмоқда.

**Гулруҳ МЎМИНОВА.**



## Эркинжон ТУРДИМОВ:

- Бугунги куннинг раҳбари, мавқеи қанақа бўлишидан қатъи назар, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўтказаётган долзарб йиғилишлардан фақат вазифаларнигина белгилаб, ёзиб олмасдан, ана шу услубни ҳам ўзлаштириши лозим.

**Биринчидан**, аҳолини қийнаётган муаммолар ечими ҳақида ўйлашни.

**Иккинчидан**, одамларнинг бу ҳақдаги фикрини ўрганишни.

**Учинчидан**, ҳар қандай ҳолатни бориб, бевосита жойида аҳоли ва масъуллар билан биргаликда муҳокама қилишни.

**Тўртинчидан**, ушбу муаммони ўша ердаги мутасаддилар ва фаоллар билан бирга ҳал қилиш чораларини кўришни. Муаммоларни олдиндан кўра билишни ва бу ҳақда тегишли ташкилотларга аввалдан хабар қилишни. Мутасаддиларга қилинган мурожаатнинг бажарилиш муддатини кутмасдан, натижасини суриштириб туришни.

Ва ниҳоят, **бешинчидан**, жойлардаги муаммо ечими юзасидан белгиланган режа ёки топшириқнинг бажарилиш муддатини кутмасдан, ижро ҳолати бўйича вақти-вақти билан сўраб туришни.

Муаммо ижроси юзасидан бир-биримизга баҳо беришдан тийилиб, бу баҳони одамлардан сўрашни ўрганайлик.

Ушбу вазифаларга риоя этиш вилоятда барча тоифадаги раҳбарлар учун кундалик одатга айланиши лозим.





**10-aprel kuni viloyatimizda 7-30 yoshdagi yoshlar o'rtasida sportning 9 turi (futbol, mini-futbol, voleybol, yengil atletika, shaxmat-shashka, stol tennisi, stritbol, workout) bo'yicha "Besh tashabbus olimpiadasi" ommaviy sport musobaqalari boshlandi.**



# БИРИНЧИ ЧОРАКДА 12 та КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

**"Тадбиркорлик касаллик, бир бошладингизми, уни янада давом эттиришга интиласиз. Шу боис биз уларга имкони борича ёрдам берамиз".**

Вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси Нозир Ибрагимов иштирокида вилоят Матбуот уйида ўтказилган матбуот анжуманида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг ўтган йилги ва жорий йилнинг биринчи чорагидаги ижроси муҳокама этилди.

- Маҳаллийлаштириш бўлиши учун маҳсулотда маҳаллий қўшилган қиймат 36 фоиздан юқори бўлиши керак, - дейди Н.Ибрагимов. - Вилоятда чиқарилаётган барча автомобиллар ҳам маҳаллийлаштирилган эмас. Шу боис маҳаллийлаштириш дастурларига янги маҳсулот бўлса, назоратга олиниб, 3 йилгача ёрдам кўрсатиляпти. 2021 йил учун дастурдаги 49 та лойиҳа бўйича 241,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни вазифа сифатида белгилаб олгандик. Корхоналарнинг



ҳаракати билан бу кўрсаткич икки баробарга ошди.

2022 йилги дастурда 49 та лойиҳадан ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйиб олган 12 таси чиқарилди ва уларнинг ўрнига янги 27 та лойиҳа қўшилди. Мазкур 64 та лойиҳа бўйича 577,4 миллиард сўмлик дастур ишлаб чиқилган. Бу лойиҳалардан 42 таси жорий йилнинг биринчи чорагида ишга туширилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида жорий йилнинг 14-15 апрель кунлари Жомбой туманидаги "SOF Expo" кўргазмалар марказида Самарқанд ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаси ўтказилиши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Мазкур кўргазмада Самарқанд ва бошқа вилоятлардан 200 дан ортиқ тармоқ ва маҳаллий корхоналар 2 мингдан ортиқ маҳсулот билан иштирок этиши кутилмоқда.

**Ў.ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

**Муносабат**

**Газетамизнинг 2022 йил 5 апрель 39-сонида "Банк, ҳокимият, ёрдамчи. Бу "учбурчак"дан кредит излаётган тадбиркор" сарлавҳали мақола эълон қилинган эди.**



Хат таҳрирсиз босилмоқда

Банк, ҳокимият, ёрдамчи

"Учбурчак"дан кредит излаётган тадбиркор

Абдуназар БОТИРОВ, Пахтачи тумани Болтали маҳалласи.

# ТАДБИРКОРГА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

**Унда кўтарилган масала юзасидан таҳририятимизга "Агробанк"нинг Пахтачи филиали бошқарувчиси М.Бобоев имзоси билан келган жавоб хатида жумладан, шундай дейилади:**

*"Фуқаро А.Ботировнинг турмуш ўртоғи М.Ўроқова 2021 йил 29 мартда якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтиб, филиалимизда ҳисоб-рақам очган. Ушбу давр мобайнида тадбиркор банкка кредит олиш тўғрисида мурожаат қилмаган.*

*М.Ўроқова 2022 йил 16 мартда "Oilakredit.uz" электрон платформаси орқали асбоб-ускуна сотиб олиш мақсадида имтиёзли кредит расмийлаштириш учун талабнома юборган. 2022 йил 18 мартда ҳоким ёрдамчиси томонидан кредит берилиши тўғрисида тавсиянома берилган ва шу куннинг ўзида банк ҳамда фуқаро томонидан икки томонлама кредит шартномаси электрон калит орқали имзоланиб, кредит қайтмаслиги хатари олди олинишини суғурталаш мақсадида суғурта компаниясига электрон тарзда кредит шартномаси жўнатилган. 30 мартда суғурта компанияси томонидан жавоб хати келгандан сўнг электрон навбат асосида 5 апрелда 28 890 000 (йигирма саккиз миллион саккиз юз тўқсон минг) сўм кредит маблағи фуқаро томонидан шартнома тузган таъминотчига кўчириб берилган".*



**Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 686 йиллиги вилоятимизда кенг нишонланди.**

*Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ*

## Меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган Ургут тумани туризм ҳудудлари чегараларини белгилаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-104-сонли қарорининг 1-иловасига асосан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этилиши белгиланган.*

*Юқоридагиларга ҳамда вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Қобиловнинг билдиргиси, вилоят туризм ва маданий мерос бошқармаси ҳамда вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасининг биргаликдаги хулосасига асосланиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ олтмиш биринчи сессияси* **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-104-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ Ургут туманида меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ургут туманидаги меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туризм ва маданий мерос бошқармаси (Д.Нарзиқулов), вилоят қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов) ва Ургут тумани ҳокимлиги (Б.Жабборов) бир ҳафта муддатда туризм ҳудудларининг салоҳиятидан келиб чиқиб, уларда ривожлантириш мумкин бўлган туризм йўналишларига (эко, агро, гастрономик, пляж ва бошқалар) алоҳида эътибор берган ҳолда ривожлантириладиган туризм йўналишларини белгиласин ва мастер-режаларини ишлаб чиқиш бўйича техник топшириқларни тайёрласин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК Самарқанд филиали (Т.Норчаев) ҳудудларнинг мастер-режаларини ишлаб чиқиш учун тегишли ҳужжатларни шакллантирсин ва туризм ҳудудларининг топографик суратларини тайёрласин.

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов), вилоят молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Инагамов), Ургут тумани ҳокими (Б.Жабборов) мазкур қарорга асосан жорий этиладиган махсус солиқ режими бўйича қўлланиладиган солиқ ставкаларини тегишли ҳудудда жорий этилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" (А.Анваров) ушбу қарорни оммавий ахборот воситаларида чоп этилиши ҳамда вилоят ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

7. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ўроқов) ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Кенгаш раиси** **Э.ТУРДИМОВ**

*2022 йил 10 апрель* *VI-61-76-7-0-К/22*

*Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг*
*2022 йил 10 апрелдаги VI-61-76-7-0-К/22-сон қарорига*
**ИЛОВА**

### Ургут туманидаги меҳмонхона (жойлаштириш воситалари), савдо, умумий овқатланиш, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун махсус солиқ режими жорий этиладиган туризм ҳудудлари РЎЙХАТИ

"Кенагас" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Баҳрин" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Бешкон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Қоратепа" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Ипак йўли" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Терсак" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Омонқўтон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Чор-Чинор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Сўфиён" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Етти уйлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди
"Хўжайдуқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди

# УНИВЕРСИТЕТЛАР фақатгина мутахассис тайёрламасдан, ИЛМИЙ МАКТАБЛАР ЯРАТИБ, ХАЛҚАРО ОЛИМЛАР ТАЙЁРЛАШИ МУҲИМДИР



**Бир пайтлар бутун республикамиз бўйича фақатгина иккита университет мавжуд эди. Бири ТошДУ – бугунги Ўзбекистон Миллий университети, иккинчиси СамДУ – ҳозирги Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети.**

Қолган олий таълим муассасалари, асосан, педагогика ва бошқа институтлардан иборат бўлган. 2016 йилдан бошлаб, олий ўқув юртлари сони бирга-бир ошганини кўрамиз. Университетлар тўғрисида гапирганда, биргина Самарқандда 3 та университет пайдо бўлди.

Тажрибадан маълумки, институтлар нисбатан тор мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, маълум бир соҳа ёки йўналишни ўз ичига олади. Университетларнинг йўриғи бошқа. Беҳудага университетни уммонга қиёсламайдилар.

Давлатимиз раҳбари қарори билан яқинда Самарқанд давлат тиббиёт институтига университет мақоми берилиши жуда тўғри ва ўринлидир. Бунинг биринчи боиси, мазкур даргоҳ Марказий Осиёда ташкил қилинган биринчи тиббиёт олий таълим муассасаси ҳисобланади. Ундан кейин ташкил қилинган институт, академия, университет бўладими, ҳаммаси, аввало, Самарқанд давлат тиббиёт университети негизида пайдо бўлганлигини унутмаслигимиз зарур. Бу тарихий адолатни тиклаш йўлида ташланган ўта муҳим қадамдир.

Самарқанд давлат тиббиёт университети ташкил этилгандан то бугунгача мамлакатимиз тиббиётининг улуғ намояндаларини, забардаст дарғаларини етиштириб берганлиги билан ҳам эътибор ва эътирофга лойиқ. Ўзбекистон Республикаси фан арбоблари, академиклар Ўктам Орипов, Ислом Зокиров, профессорлар Николай Мирзоян, Ўктам Ваҳобова, Акрам Мўминов, Субҳонқул Орипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Нурмамат Абдуллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган врач Нуриддин Камолов, Ўзбекистон Қаҳрамони Раҳмон Муҳаммадиев, академик Раҳим Ҳайитов...

Улар айнан Самарқанд давлат тиббиёт университетини тугатиб, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган. Тиббиёт фанида мактаб яратган улуғ сиймолар эди. Фақат бугина эмас, соғлиқни сақлаш соҳасини ташкил этиш ва оёққа турғизишда ҳам Самарқанд давлат тиббиёт университетининг муҳим ўрни бор.

Самарқанд давлат тиббиёт университети таркибида институтлар очилиши, клиникалар фаолияти янада кенгайтирилиши, моддий-техника базаси мустаҳкамланиши, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини янада ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг белгиланиши келгусида Самарқанд Ўзбекистон тиббиётининг марказларидан бирига айланишини кўрсатади.

Яқин тарихимизда бир қатор соҳалар қатори ветеринария ҳам инқирозга юз тутганди. Чорвачилик таназзулга учраб, нафақат чорвачилик учун, балки инсон саломатлиги учун ҳам ўта муҳим бўлган ветеринария фани ҳам эътибордан четда қолгани бор гап. Дастлаб Самарқанд ветеринария медицинаси институти, унинг негизида Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ташкил қилиниши соҳа ривожига астойдил киришилганлигини кўрсатади. Бизга маълумки, ҳар қандай йўналишни тараққий эттириш учун аввало, кадрлар билими муҳим аҳамиятга эга. Бу борада зарур қадам ташланди. Эндиги гап уни ижро этишда.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўра олиши натижасида ташкил этилган бу университетларда бундан кейин илмий салоҳият янада ошади. Университетлар фақатгина мутахассис тайёрлаб қолмасдан, балки илмий мактаблар яратилиши, халқаро миқёсда эътироф этиладиган олимлар корпусига эга бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир. Дастлаб фан ривожланиши чуқур тадқиқ этилиши керак. Шундан сўнг юксалган илм-фан сифатли кадрлар етиштириш омилига айланади.

Самарқанд давлат университети 600 йиллик тарихга эга. Университет мақомида фаолият кўрсатганига ҳам бир асрга яқин вақт бўлди. СамДУ маъмурияти янгидан ташкил этилган университетларга ҳар томонлама ёрдам беради. Бу тажриба алмашиш, илмий-услубий кўмак, халқаро алоқаларда ҳамкорлик бўладими, барчасига тайёрмиз.

Бугунги Ўзбекистон ёшлари жуда бахтли. Ҳеч қачон, ҳеч қайси замонда ўқишга, илм олишга, олим бўлишга бунчалик имконият берилмаган. Минг афсуски, ойлиги паст профессор-ўқитувчи тамагирликни касб қилганидек, муаллим ва шифокор мажбурий меҳнатдан безиб, ўз ишини ташлаб кетгандай, ёшларимиз ҳам бугун яратилаётган шарт-шароитларни тўлақонли англаб етмаяптилар, деб ўйлайман. Лекин бу вақтинча.

Илм-фан ривожланса, бунинг оқибатида мамлакат тараққий этса. Ишлаб чиқариш кенгайса, иш ўринлари яратилса, давлат иқтисоди йилдан-йилга кўтарилса. Такрор бўлса-да, айтмоқчиман, халқимиз бир ҳақиқатни чуқур англаб етиши керак. Бу борада Президентимизга ҳамоҳанг бўлишимиз зарур. Нима демоқчиман? Илм-маърифатли авлодни етиштиришда, сўзсиз, давлатнинг ўрни беқиёс. Буни инкор этиб бўлмайди. Лекин фарзандлари илм ўрганиши учун ота-оналар ҳам астойдил ҳаракат қилиши керак. Шунда биз ўзимиз орзу қилганимиздек, хоҳлаганимиздек яшаймиз. Илмли ёшлар мамлакатни ҳаракатга келтирувчи кучга, қудратга эга бўлади.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**
**Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ректори, профессор, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## ВАТАНПАРВАРЛАР БЕЛЛАШДИ



Марказий ҳарбий округнинг "Сазағон" дала-ўқув майдонида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги мактабларнинг 10-, 11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган Мудофаа вазири кубоги учун "Ватанпарварлар" ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда Пахтачи туманидаги 18-мактабнинг "Соҳибқирон Темур" жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

# ЗАМОНАМИЗГА МОС, УЙҒОҚ АРХИТЕКТУРА ЯРАТИШ ЗАРУР

Мулоҳаза, таклиф

**Архитектура ҳамма вақт инсониятнинг моддий-маданий кечинмаларидан хабар берувчи санъатнинг бир тури бўлиб келган. Археологларимизнинг машаққатли изланишлари туфайли меъморчиликнинг бир неча минг йиллик қадимий анъаналари тадқиқ этилмоқда. Жумладан, Сурхондарё воҳасидаги Сополлитепа меъморий ёдгорлиги архитектуранинг омма учун нафақат бошпана, балки ташқи ҳужумлардан сақланиш учун ҳам ақл бовар қилмайдиган стратегик режа асосида қурилганлигини кўрсатиб, кишини ҳайратда қолдиради. Унинг ташқи томони 8 та коридор қопқондан ташкил топиши ҳар қандай хавф-хатарни бартараф этиш имконини берган. Бу эса узоқ ўтмишда ҳам меъморлар бундай обидани аввалдан ишлаб чиқилган чизмалар асосида қурганликларидан далолат беради.**



Хоразмдаги Тупроқ қалъа, Жонбос қалъа ёки Қўйқирилган қалъаларни айтмайсизми? Уларнинг нафақат тарҳи, балки умумий композицияси, конструктив асосларининг мукаммаллиги, меъморий қисмларининг бир-бирига мутаносиблиги, безаклари кишини лол қолдиради. Бундай иморатлар лойиҳасининг юзага келиши ва қурилиши ўша давр меъморларининг юксак ақл-заковатининг нишонасидир.

Тарихдан маълумки, ҳар бир ҳукмдор давлат тепасига чиққандан сўнг биринчи навбатда, ўз давлатининг шаҳарлари, иқтисодий ва меъморий равнақига алоҳида эътибор берган. Баъзида улар бор бисотини архитектура ва қурилишга сарфлаган. Бундан мақсад биринчидан, ўз юртининг гўзал иморат ва иншоотларга бой, обод бўлишини таъминлаш бўлса, иккинчидан, улар бу билан ўз номини ҳам абадийлаштирган.

Мисол учун, Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврини олиб қарайлик. Улар яратган архитектуравий муҳит ҳаммамизга аён. Бутун дунё меъморий обидаларимизни кўришга ошиқади.Таъкидлашимиз лозимки, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийлар давлат бошқаруви билан бирга архитектура, санъат, фан ва маданиятнинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшган.

Собиқ иттифоқ даврига ҳам бир назар ташлайлик. Бу даврда ҳам кўп ишлар бажарилди, жумладан, Ўзбекистонда ҳам архитекторлар, рассомлар, ёзувчилар, шоирлар, композиторлар ва бошқа ижодий уюшмаларнинг ҳар қайсиси ўз соҳаларининг равнақи йўлида хизмат қилди.

Республика раҳбарияти архитекторлар, олимлар, рассомлар, композиторлар ва бошқа ижодкорларнинг хизматларини эътиборга олиб, эл-юрт равнақи йўлида хизмат қилган бошқа соҳалар намояндалари қаторида уларни ҳам давлат мукофотлари билан рағбатлантирди. Улар учун махсус унвонлар таъсис этилган. Айнан ўша даврларда ўзбеклардан Абдулла Бобохонов, сал ўтмай Собир Адилов архитектура соҳасидаги юксак хизматлари учун "СССР халқ архитектори" фахрий унвонига сазовор бўлдилар.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, юртимизнинг барча ҳудудларида катта қурилишлар, ўзига хос архитектуравий ечимларга эга бино ва иншоотлар қурилди. Лекин бу иморатлар лойиҳаларини яратган, қурган архитектор ва қурувчилар номи деярли тилга олинмади. Уларнинг меҳнатини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш, эл-юртга оммалаштиришга масъул бўлган Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси ва Ўзбекистон давлат архитектура-қурилиш қўмитаси суст ишлади. Архитектурада якка фикрлилик, қурилишларда шошма-шошарлик ҳукмрон бўлди. Магистрал кўчалар бўйидаги маъмурий бинолар ораларида ортиқча бўш майдонлар қолдирилди. Янги қурилган биноларнинг бош тарзи кўриниб туриши учун уларнинг олдидаги катта-катта дарахтлар қирқиб ташланди.

Янги бинолар бош тарзлари фақат симметрияда, гўёки ўтган асрнинг 40-50 йилларида яшаган архитекторлар томонидан лойиҳалангандек, олди тарзининг пропорциялари номутаносиб устунларга ўрнатилган пештоқ, ордерлар тизими асосида қурилди. Янги лойиҳалар яратилмади.

Республикада қурилиш материаллари ва конструкцияларини тажрибадан ўтказадиган илмий-текшириш институти, меъморий обидаларни илмий-текшириш ва таъмирлаш каби нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё миқёсида иш олиб бораётган йирик институтлар ёпилиб, бинолари олиб қўйилди. Энг ёмони, бу пайтда ҳамма, айниқса, раҳбарлар ўзини архитектор, деб ҳис қила бошлади. Ваҳоланки, архитекторлар Америкада архитектура олийгоҳларида 10 йил, собиқ иттифоқда 6 йил ўқиган. Бизда эса бошлиқ бўлсанг, сен архитектор, олим, қурувчи, рассом деган тушунча пайдо бўлганди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Ўзбекистонда 4-5 нафар архитектура доктори бор эди. Ҳозирги кунда республикада архитектура фанлари доктори 10 нафарни ташкил қилади. Бошқа соҳалар билан қиёслаганда бу жуда кам, албатта. Авваллари Тошкент архитектура-қурилиш институти архитектура факультетида 40-50 нафар профессор-ўқитувчидан 9-10 нафари "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор" унвони билан тақдирланган эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор" унвони йўқолди.

Архитектура бу ижодий йўналишлардан, амалий санъатнинг бир тури. Бино лойиҳасини фақат архитекторлар яратади, конструкторлар, сантехниклар, иқтисодчилар томонидан уларнинг конструктив, техник қисми ва смета ҳисоб-китоби ишланади. Охирида бу лойиҳа қурувчилар қўлига ўтади.

Бугун юртимизда илм-фанга, турли соҳа ва тармоқларга эътибор ошди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси фаолияти жонланди, кўплаб институтлар қайта ташкил этилди. Энг муҳими, илм аҳлига эътибор ва ғамхўрлик кучайди.

Ўз навбатида юртимизда жуда катта ҳажмда қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу ишлар фақат пойтахт ёки вилоят, туман марказлари, шаҳарларда эмас, барча ҳудудларда бажарилмоқда. Эътиборлиси, бу бунёдкорлик ишлари ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, табиий-географик ҳолати ва аҳоли турмуш тарзидан келиб чиқиб, олиб борилмоқда. Қисқа фурсатда шаҳар ва қишлоқларимиз жамоли тубдан ўзгармоқда. Бу билан фахрланамиз, албатта. Ана шундай пайтда архитекторларга ҳам эътиборни кучайтирсак, уларнинг меҳнатини қадрласак, айни муддао бўларди.

Бу борада айрим таклифларни билдирмоқчи эдим.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси базасида давлат тасарруфидаги (Ўзбекистон бадиий академияси каби) Архитектура ва қурилиш академиясини ташкил қилиш лозим. Республикамизда мавжуд барча архитектура ва қурилиш институтларини ушбу академияга боғлаш зарур.

Шунингдек, Қурилиш вазирлигини "Архитектура ва қурилиш вазирлиги" деб ўзгартириш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу вазирлик республика шаҳарсозлигини, архитектура ва қурилиш ишларини тартибга солиб, назорат қилиб турса, Архитектура ва қурилиш академияси республикамизда тез суръатда ривожланиб бораётган шаҳарсозлик ва архитектура ансамбллари яратишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади, чет эл архитектураси ва қурилишидаги инновацион тажрибаларини ўрганади, янги технологияларни қурилиш жараёнига татбиқ этишда тавсиялар ишлаб чиқади.

> Архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш ихтисослиги бўйича олимлар Ўзбекистон меъморий обидаларини ўрганади, улардан туризм мақсадида фойдаланишнинг самарали йўлларини аниқлайди. Таъмирлаш ишларини бошқаради, уларни илмий тадқиқот хулосаларига суянган ҳолда таъмирлаш лойиҳаларини яратади.

Академияга фидойи фан докторлари, номзодлари ва лойиҳачи-архитекторлардан 30-40 нафар мутахассисни қабул қилиш керак.

Архитектура олийгоҳларида ижодий йўналишдаги фанларни замон талаби доирасида янгилаб туриш ҳуқуқини кафедраларга бериш, ижодий йўналишдаги институтларда ўқув бўлими раҳбарлигини тажрибали, келажакни олдиндан кўра биладиган мутахассис архитектор-педагогларга топшириш зарур.

Архитектура институтларининг лойиҳалаш институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳам бугунги кун талабидир. Шу ўринда бир мисол келтирамиз. Жанубий Корея техника университетида ҳар бир талаба бир семестрда ишлаб чиқариш билан боғланиб, 500 долларлик буюртма бажариши шарт экан. Бу масала юзасидан ҳам чора-тадбирларни излаш лозим. Бунинг учун архитектура олийгоҳларининг лойиҳалаш институтларига яқин жойда жойлашишини таъминлаш масаласи кўрилиши керак. Шу чоққача лойиҳа институтлари қошида олийгоҳларнинг филиаллари ташкил этиб келинди. Бу биз кутган натижани бермади. Энди эса аксинча, олийгоҳларда лойиҳа институтларининг фирмаларини, устахоналарининг филиалларини очиш зарурати туғилмоқда.

Республикамиз архитекторлари ўз билим ва салоҳияти билан чет эл архитекторларидан қолишмайди. Уларнинг баъзилари ҳатто хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бироқ бизда лойиҳаловчи, замон талабларига жавоб берувчи қурувчи конструкторлар, юқори малакали муҳандис (инженер) мутахассислар етишмайди. Шу боис Ўзбекистондаги йирик замонавий қурилишлар амалиётига хорижий мутахассисларни, архитектор ва қурувчи-конструкторларни жалб қилишга мажбур бўлмоқдамиз.

Яна бир масала. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор" ва "Ўзбекистон халқ архитектори" унвонларини жорий этиш лозим.

Умуман, бугун замон ўзгарди, давр шиддаткор тус олди. Энди замонамизга мос ва хос "уйғоқ архитектура"ни яратишимиз керак. Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби Ўзбекистон архитектурасида ҳам уйғониш, яъни Ренессанс даври келди, деб ўйлайман.

**Ахтам ЎРОЛОВ,**
**архитектура фанлари доктори, СамДАҚИ профессори.**

Сўранг, жавоб берамиз

# Ўлим ҳақидаги гувоҳномани тиклаш мумкинми?

*Отамнинг ўлими ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли мерос ишини очолмаяпмиз. Ўлим ҳақидаги гувоҳномани тиклаш мумкинми?*

**А.ИСРОИЛОВ,**
**Каттақўрғон тумани.**

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларининг 132-бандида ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувларини қайта тиклаш туман ва шаҳар судларининг қарорига кўра амалга оширилиши белгиланган. Агар суд қарорида марҳумнинг ўлган санаси кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда суд қарори кучга кирган сана марҳумнинг ўлган куни ҳисобланади.

**Саволга Каттақўрғон туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Г.ИБРАГИМОВА жавоб берди.**

# "ЗАГС"да тантанали маросим ўтказишга пул сўрашди...

*ФҲДЁда никоҳдан ўтган бир жуфтлик "Гувоҳномани тантанали топширишларингиз керак", дея норози оҳангда талаб қўйганининг гувоҳи бўлдим. Бўлим ходимаси бу хизмат пуллик эканлигини айтди. Шу тўғрими?*

**М.ҲАСАНОВ,**
**Пайариқ тумани.**

Бу масалада жуда кўп тушунмовчиликлар бўлиб туради. Айтиш керакки, никоҳдан ўтиш куни никоҳдан ўтаётган шахслар томонидан давлат божи ва гербли йиғим тўланади. Агар никоҳ маросими тантанасиз ўтадиган бўлса, жами 94 500 сўм (давлат божи 54 000 сўм, герб йиғими 40 500 сўм), никоҳ маросими ФҲДЁ бўлимида тантанали ўтказилиши керак бўлса, қўшимча 135 000 сўм тўланиши керак. Никоҳни жойига чиқиб қайд қилиш учун 94 500 сўмга 405 000 сўм пуллик хизмат қўшилади.

**Саволга Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси масъул ходими Н.МИРМУҲАММЕДОВА жавоб берди.**

**Хадича Шарипова учун мустақил ҳаётга йўл урушдан кейинги қийин даврга тўғри келди. У ўша пайтларда 20 ёшдан ошган қиз эди. Иккинчи жаҳон уруши вайроналарини тугатиш, халқ хўжалигини тиклаш, мактаблар очиш ва аҳолини илмли, саводли қилиш ишлари муҳим вазифалар эди.**

# ҚАРНАБОТА МЕҲРИНИНГ ОНАСИ

## Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳадича Шариповани эслаб



Чекка-чекка қишлоқларда ҳам мактаблар очила бошланди. Шунингдек, туман марказидан 30 километр олисда жойлашган Қарнабота қишлоғида ҳам 1948-1949 йилларда 7 йиллик мактаб очилди. Саводи бор кишилар мактабларда дарс бериш ишларига жалб этила бошланди. Чунки мактабларга педагог кадрлар ва ўқитувчилар етишмас эди.

Хадичанинг отаси Шариф карвон ва онаси Иззатой ая қизларининг саводи яхши, илмли бўлишига қарамасдан, мактабда ишлашини хоҳламас эди. Чунки Хадича ҳамма уй ишларини қилар, ота-онасига ёрдам берар, бўш пайтларида гилам тўқир эди. Ўша даврда Қарнабота қишлоғида бу касб жуда ривожланган эди. Аммо Шариф карвон урушга кетиб, бедарак йўқолган икки ўғли – Ҳасан ва Ҳусаннинг ёди ҳақи улар кўрмаган яхши кунларни ана шу ғайратли, фаросатли қизи кўришига кўниб, Хадичанинг мактабда ишлашига рози бўлди. Шу билан Хадича мактабда ишлай бошлади.

Лекин мактабда раҳбар кадрлар умуман етишмаганлиги сабабли туман маорифи раҳбарлари Хадичанинг қобилиятини, ташаббускорлигини сезиб, янги очилган 7 йиллик мактабга директор этиб тайинлашди. У ишлаган даврда мактабни кадрлар билан таъминлаш, ўқув-методика ишларини яхшилаш, дарс кўргазмалилигини ошириш соҳасида кўп ишларни амалга оширди. Ўша пайтда у ўқитувчилар тайёрлаш махсус курсини битирди ва умрининг охиригача бошланғич синфларда, сўнгра катта синфларда биология фанидан таълим берди. У истараси иссиқ, доимо кулиб юрадиган, ўқувчиларни севадиган, уларга меҳр бера оладиган туғма педагог эди. Шу боис бўлса керак, қишлоғимиздаги ўқувчилар ва ота-оналар тасаввурида муаллим деганда Хадича опанинг сиймоси гавдаланади.

Вақтлар ўтиб, Қарнабота қишлоғидаги 7 йиллик мактаб ўрта таълим масканига айланди. Хадича Шарипова 1950 йилдан умрининг охиригача ўқитувчи бўлиб ишлади. Мен ҳам у кишининг қўлида ўқиганман. Синфдошларим ҳам бу муаллима Аллоҳ томонидан туғма ўқитувчи қилиб яратилган, деб гапирарди. Синфга кириб келганларида ҳаммани салобат босар эди. Ўқувчилар билан илиқ гаплашар эди. Ҳеч қачон ғазабланиб ёки овозини баланд қилиб гапирмас эди. Жуда ҳам меҳрли муаллима эди. У келаётганда ҳаммамиз у кишига ҳавас билан қараб қолар эдик, олдини кесиб ўтмас эдик, албатта, саломлашиб, у кишининг назарига тушишга интилардик.

Вақтнинг ўтишини қаранг. Агар ҳаёт бўлганларида Ҳадича опа бугун 100 ёшга тўлган бўлардилар. Тақдир экан, у киши 2008 йилда 87 ёшида вафот этдилар. Жанозасида бутун Қарнабота йиғилди, йиғламаган одам қолмади. Чунки бу масканда опанинг меҳридан баҳраманд бўлмаган одамнинг ўзи йўқ эди. Онахон қишлоғимиз меҳр-муҳаббатининг ҳақиқий тимсоли, қарнабликлар меҳрининг онаси эди.

Хадича Шарипованинг услуби ва ютуқларини ўзим муаллим бўлиб, муаллимларга бош бўлиб, ишлаб кўрганимдан кейин англадим. У кишининг меҳрини олиб, ўқитувчилик касбини эгаллаб, қарийб 40 йил халқ таълимининг турли лавозимларида меҳнат қилдим. Меҳнат фаолиятимда у кишини эслар эдим ва доимо шу кишидек бўлишга ҳаракат қилар эдим. Опа ютуғининг асосий моҳияти унинг самимияти ва меҳрида экан. Чунки муаллима мактабга "Мен болаларимга бугун нимадир беришим керак", деган мақсад билан келарди. Ва кечқурун "Мен бугун болаларга нима бера олдим?", дея ўзига савол қўярди. Жуда кўп шогирдлари, хусусан, камина ҳам опадан ўқитувчиликнинг ана шу ўлмас ва ноёб услубини ўзлаштирдик. Эҳтимол бугунгача нафақат қишлоғимизда, балки бошқа ерларда ишлаётган шогирдлари томонидан ҳам Хадича опанинг доимо ёд этилишига ана шу эзгулик сабабдир. Шунинг учун Хадича Шарипова давлатимизнинг ва Халқ таълими вазирлигининг мукофотлари билан тақдирланган.

Мактабимизда қайси тадбир бўлмасин, албатта, опанинг қишлоқ маънавиятидаги ўрни, таълим-тарбиядаги хизмати эсга олинади. Зеро, бу йўқлов бошқалар қалбида ҳам эзгуликнинг умрбоқийлигини эслатиб туришига ишонаман.

**Мавлон САФАРОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**халқ таълими аълочиси,**
**Пахтачи тумани.**

# Фаол ҳоким ёрдамчилари рағбатлантирилди

**Вилоятимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинларида 1123 нафар ҳоким ёрдамчиси фаолият олиб бормоқда.**




Ҳоким ёрдамчилари аввало, намунавий сўровнома асосида аҳолини хатловдан ўтказди. Бугунгача 734 мингга яқин хонадон хатловдан ўтказилиб, иқтисодий-ижтимоий аҳволи бўйича тўрт тоифага ажратилди.

Хатлов натижаларига асосан ҳоким ёрдамчиларининг саъй-ҳаракати билан меҳнатга лаёқатли, ишлаш истагида бўлган 53 мингдан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланди. Хусусан, 42 мингдан ортиқ фуқаронинг ўзини ўзи банд қилишига кўмаклашилган бўлса, қарийб 8 минг нафар фуқаро доимий ишга, 3 минг фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқиш истаги бўлган 3 минг 482 нафар фуқаро бандлик бошқармаси, савдо-саноат палатаси ҳамда бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан касбга ўқитилди.

Ҳоким ёрдамчилари томонидан қўшимча даромад манбаини шакллантириш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 478 та инкубатор, 215 минг 143 бош товуқ, 645 бош қорамол, 6808 бош қўй ва эчки, 1132 та асалари уяси аҳоли хонадонларига тарқатилди.

Жорий йилнинг январь-март ойларида бевосита ҳоким ёрдамчилари саъй-ҳаракати билан 3268 та кичик бизнес ва 5489 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти янгидан ташкил этилди.

Аҳоли фаровонлигини таъминлашда алоҳида фаоллик ва намуна кўрсатаётган ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириш, хизматларини эътироф этиш кўзда тутилган. Шу асосида биринчи чорак якуни билан вилоятимиздаги 10 нафар ҳоким ёрдамчиси ҳамда 2 нафар республика вакиллари вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

**Бахтиёр РОФЕЕВ,**
**Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.**

**Жорий йил 1 майдан бошлаб автомобилларга оид маълумотларни тақдим этиш бўйича "Автомобиль тарихи" давлат хизматини кўрсатиш йўлга қўйилади.**

# Машинангизни қай ҳолатда сотиб олаётганингизни билишни истайсизми?

"Автомобиль тарихи"га оид маълумотларини ЯИДХП (my.gov.uz), Давлат хизматлари марказлари, веб-сайтлар ва мобиль иловалар орқали шартномавий асосда аниқлаш ва олиш мумкин бўлади.

Хизматдан фойдаланишда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли автотранспорт воситаларидан ташқари, Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган барча автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни олиш мумкин бўлади.

"Автомобиль тарихи"да автотранспорт воситасининг давлат рақами белгиси, давлат рўйхатидан ўтказилган сана, русуми, ишлаб чиқарилган йили, тури, кузов (шасси) рақами, вазни, двигатель рақами ва қуввати, ёнилғи тури, ранги, ўриндиқлар сони, алоҳида белгилари ёки ўзгарган агрегат маълумотлари, босиб ўтган масофаси, ишончнома, ижара, ҳадя, мерос ва олди-сотди шартномаси каби фуқаролик-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар жойлашади.

Хизматдан фойдаланувчи фуқаролар автотранспорт иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари ва қоидабузарликлар содир этилганлиги, транспортнинг гаровдалиги ҳақидаги ахборотлар билан ҳам танишиши мумкин бўлади.

"Автомобиль тарихи" ҳақидаги маълумотномалар QR-код қўйилган ҳолда расмийлаштирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизи, яъни 27 минг сўм миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизматини кўрсатиш ва автотранспорт ҳақидаги маълумотларни тақдим этишда шахсга доир маълумотлар ошкор этилмайди. Автотранспорт воситасининг эгасига доир тўлиқ маълумотлар фақатгина автотранспорт воситаси мулкдори томонидан ўзининг автотранспорт воситаси тарихини олиш учун йўллаган сўровномасига асосан берилади.

REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Каттақўрғон тумани "Мойбулоқ" массиви, "Бургансой" МФЙ ҳудудидаги нотурар бинонинг (бўш турган майдони 50 кв.м.) эгаси Каттақўрғон тумани инвестициялар ва ташқи савдо бўлимига эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари (аукцион савдоси баённомаси, туман ҳокими қарори ва кадастр ҳужжатлари тўплами) билан келиши сўралади.

Ушбу эълон газетада чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида бино эгаси томонидан муносабат билдирилмаса, эгасиз мулк деб топиш масаласи кўрилади.

**Каттақўрғон тумани инвестициялар ва ташқи савдо бўлими.**

* * *

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**

Самарқанд шаҳридаги "MAQSADLI YO'L" масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси (СТИР: 306535943) ўз устав фонди миқдорини 400 000 000 (тўрт юз миллион) сўмдан 8 000 000 (саккиз миллион) сўмга камайтиришини ҳамда ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини "MAQSADLI YO'L" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартиришини маълум қилади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпонота маскани, Конигил қишлоғи.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Нурматов Бавақулга (2018 йил 29 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасида марҳум Юсупова Зилола Исмаиловнага (2021 йил 13 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Саидова Зарина Хисравовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Носирали Хусиновичга (2021 йил 15 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 80-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасида марҳум Холмухамедов Адашга (1992 йил 12 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқулов Маҳмуд Муминкулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.**

* * *

Каттақўрғон туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Миршаев Алишер Ҳамидович нотариал идорасида марҳум Синдаров Исоқул Қосимовичга (2021 йил 15 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Миршаев Алишер Ҳамидович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Каттақўрғон тумани "Кадан" МФЙ.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Козимова Зулфия Богировнага (2021 йил 27 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Назарова Тоира Солиевнага (2021 йил 13 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Юлдашев Курбонбойга (2019 йил 30 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Фарходович нотариал идорасида марҳум Халиков Абдурафик Абдувалиевичга (2021 йил 21 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ходжаев Фаррух Фарходович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Чуқур йўл кўчаси, 9-«В» уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Фарходович нотариал идорасида марҳум Вахабов Набига (2021 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ходжаев Фаррух Фарходович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Чуқур йўл кўчаси, 9-«В» уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасида марҳум Туракулова Сарага (2007 йил 3 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Жўраев Камолиддин Муҳиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Гусейнов Исмаилга (2019 йил 3 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасида марҳум Нурматов Саидга (2009 йил 8 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси, Истиқлол кўчаси, 76-уй.**

* * *

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд туманидаги 41-ўрта мактабдан 1994 йилда Болтаев Кахрамон Умарович номига берилган А № 639878 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Каттақўрғон туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан 2001 йилда Худайбердиев Жасурбек Джураевич номига берилган O'R-A № 1069119 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Фуқаро Рахмонов Фуркат Саъдуллоевичга қарашли Самарқанд шаҳри Гагарин кўчасида янги қурилган хонадоннинг кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Жомбой туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабидан 2003 йилда Лапасова Мўътабар Бобир қизи номига берилган U № 5361476 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Булунғур туманидаги 54-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2021 йилда Алимқулов Фаррух Санжар ўғли номига берилган UM № 0941095 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд шаҳридаги 18-ўрта мактабдан 1996 йилда Джумаев Шухрат Октамович номига берилган O'R-D № 241381 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нарпай туманидаги 34-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2019 йилда Холмуродов Илёс Иноят ўғли номига берилган UM № 0147825 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ тиббиёт коллежидан 2019 йилда Бахрамов Алижон Вохиджонович номига берилган рўйхат рақами 281, К № 5596725 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ педагогика коллежидан 2009 йилда Тошмуродова Бахора Сайфидиновна номига берилган рўйхат рақами 0220, К № 1277994 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактабидан 2004 йилда Дускулов Анвар Исадуллаевич номига берилган O'R-A № 1746793 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Қўшработ тумани Жўш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2012 йилда Тўхташев Номозбой Тенглаш ўғли номига берилган рўйхат рақами 53, К № 2513704 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2009 йилда Алишова Мафтуна Ибодуллоевна номига берилган рўйхат рақами 208, К № 1279867 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд туманидаги 48-мактабдан (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги 72-умумий ўрта таълим мактабидан) 2001 йилда Джалилова (ҳозирда Тохтамуродова) Бахора Хасановна номига берилган O'R-Z № 0768718 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказидан 2018 йилда Файзуллаева Покиза Сухробовна номига берилган рўйхат рақами 0860, QT № 057863 рақамли қайта тайёрлаш курсидан ўтганлиги тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Иштихон туманидаги 49-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Кубаева Мухайё Бахадировна номига берилган O`R-SH № 0365819 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

**ТОПГАНГА МУКОФОТ!**

Самарқанд вилоят ички ишлар бошқармасидан Турсунов Ашурга берилган пенсия гувоҳномаси Самарқанд тумани ҳудудида тушириб қолдирилган. Ушбу ҳужжатни топганлардан мукофот эвазига қайтаришларини сўраймиз.

**Телефон: +99893-352-18-60.**

Рамазон туҳфаси

# АЛЛОМАНИНГ ОНАСИ



**Ислом динида фарзанд тарбияси ибодат даражасидаги амаллар қаторига киради. Шу сабабли донишманд ота-боболаримиз, оқила оналаримиз фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берган. Тарихга назар ташласак, бунга жуда кўп мисолларни кўрамиз. Жумладан, муҳаддислар султони Имом Бухорийнинг буюк олим бўлиб етишишида ота-онасининг улкан хизматлари, узоқ йиллик машаққатлари мужассамдир.**

Имом Бухорийнинг отаси Исмоил ибн Иброҳим ўз даврининг етук муҳаддисларидан бўлиб, Имом Моликнинг шогирди эди. Манбаларда унинг Ҳаммод ибн Зайд, Имом Молик ибн Анас ва Абу Муовия каби йирик муҳаддислардан ҳадислар ривоят қилгани, Абдуллоҳ ибн Муборакдан тарбия олгани ҳақидаги маълумотлар қайд этилган. Исмоил ибн Иброҳим илм олиш ва уни тарқатиш қаторида, тижорат ишлари билан ҳам шуғулланган.

Манбаларда зикр қилинишича, Исмоил Бухорий ўта тақводор, художўй, одил инсон бўлган. Тарихчи Аҳийд ибн Ҳафс: "Абу Муҳаммад бандаликни бажо келтираётган маҳал уни зиёрат қилишга борганимда, менга: "Бор молу дунёимдан ҳаром, шубҳали, нопок йўл билан топилган бир дирҳамни ҳам билмайман", деб илтижо қилганида, нафасим бўғилиб, бор вужудим унинг улуғворлиги олдида арзимас бир нарсадек туюлди", деб ёзган. Буюк шоир Абдураҳмон Жомий "Батҳо (Макка атрофидаги тепаликлар номи) ва Ясрибда (Мадинада) ясалган тангаининг сайқали Бухорода камолига етди", деган сўзлари орқали тақво ва илм билан зийнатланган насаб ортидан Бухорои шарифда буюк муҳаддис Имом Бухорий етишиб чиққанига ишора қилади.

Буюк муҳаддиснинг онаси ҳам тақводор, диёнатли ва оқила аёл бўлган. Унинг асл исми манбаларда учрамайди. Тақводорлиги ва кўп ибодат қилиши, илмли ва оқилалиги билан танилгани сабабли эл орасида асл исми унутилиб, каромат соҳибаси сифатида "Дуоси мустажоб аёл" номи билан машҳур бўлган. Имом Бухорийнинг улуғ аллома бўлиб етишишида отасининг тақвосию онасининг ихлос ила қилган дуо-ибодатларининг жуда катта ўрни бор.

Туғилганида ота-онаси гўдакнинг исмини Муҳаммад деб қўяди. Орадан бир неча йил ўтиб, ёш Муҳаммаднинг отаси Исмоил вафот этади. Имом Бухорий тўрт ёшлар атрофида кўзи жароҳатланиб, кўриш қобилиятини йўқотади ва табиблар ҳарчанд уринмасин, уни даволай олмайди. Турмуш ўртоғидан айрилган, ҳам фарзандига етган бундай мусибатдан ёш Муҳаммаднинг онаси ўзини йўқотиб қўймади. Аксинча, кундузлари ўғлининг таълим-тарбияси билан шуғулланиб, уни илм олишга рағбатлантирар, тунларини ибодат билан бедор ўтказиб, Яратгандан ўғлининг кўз нурини қайтаришни тинмай илтижо қилиб сўрар эди.

Дарҳақиқат, ота-боболаримиз "Ота-она фарзанд учун энг биринчи ва олий мадрасадир", деб тўғри айтган. Оқила аёлнинг тарбияси билан, кўзи ожиз бўлишига қарамасдан, ёш Муҳаммаднинг илмга, айниқса, ҳадисларни ёд олишга рағбати кундан-кун ошиб борди. Кунлардан бир куни онаси тушида Иброҳим алайҳиссаломни кўради. У зоти шариф бу мушфиқа онага қараб: "Эй, волида! Сенинг беҳисоб дуоларинг шарофатидан Аллоҳ таоло ўғлингга мукаммал кўриш қобилиятини қайтарди", дея хушхабар айтади. Шу чоғ уйқудан уйғониб, ўғлининг қароқларида нур жилваланиб, кўзларига олам қайтадан нурафшон бўлиб турганини кўради. Оқила она Аллоҳ таологa шукрона ибодатини қилиб, фарзандлари ҳақига узундан-узун дуолар айтиб, тонг оттиради.

Таълим-тарбияни ибодат даражасидаги амал деб билган бир онанинг бекиёс хизмати сабаб бугун бутун олам мусулмонлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳадисларидан, энг саҳиҳ ривоятлардан баҳраманд бўлиб келмоқда. Алломанинг 20 дан зиёд бебаҳо асари асрлар оша ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Муҳаддиснинг "Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ" ҳадислар тўплами бутун дунё мусулмонлари томонидан ҳадис илми соҳасида энг муҳим манба сифатида эътироф этилган.

**Нодир ҚОБИЛОВ,**
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.**

# УЙҒОНИШ КЕРАК

Жойларда ўтказилаётган тарғибот тадбирларида тоғни урса талқон қиладиган эркаклар "Маҳалладан нега ёрдам бўлмаяпти?", "Қанча вақтдан бери "бола пули"ни ололмай юрганимизни биласизми?", деган саволларни беришади. Аммо улардан "Мамлакатимизда ишсизлар учун яратилаётган имкониятлардан хабардормисиз, тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳаракат қилиб кўрдингизми, томорқадан қай даражада фойдаланяпсиз?", деган саволларга тайинли жавоб ололмайсиз.

Тўғри, ҳар бир маҳаллада оилавий шароитини яхшилаш учун томорқада, қўшимча ажратилаётган ер майдонларида деҳқончилик қилаётган, имтиёзли кредитлардан унумли фойдаланаётган меҳнаткашлар топилади. Бироқ улар бармоқ билан санарли эканлиги ачинарлидир.

Банкдан кредит олаётганда айрим сабабларга кўра кечикиш бўлса, ижтимоий тармоқларда бонг урадиган, юқори ташкилот раҳбарларига банк ходимлари устидан қайта-қайта арз қиладиган "уддабурон"лар маблағ ажратилгач, ундан мақсадли фойдаланяптими? Кредитни қайтаришга келганда банк ходимларини сарсон қилмаяптими? Афсуски, ўша "уддабурон"лар орасида тадбиркорликни эплаёлмаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этяпти. Олинган қарзни вақтида қайтармаяпти. Ҳатто боқиб, кўпайтириш мақсадида бепул тарқатилган товуқ, ғоз ёки ўрдакларни сўйиб, еб қўйганларни учратдик.

Ойлик маоши ёки пенсияси бир кун кечикса, жиғибийрон бўладиган ёши катталар-чи? Улар солиқ, электр энергияси, газ ва бошқа коммунал тўловларини вақтида тўлаяптими? Бу ҳақида яқинларини, фарзандларини огоҳлантиряптими?

Яна бир гап, "Яшил макон" умуммиллий дастури доирасида ўтган 2021 йилнинг ноябрь, декабрь ойларида туманимизнинг чекка, дашт ҳудудлари – Урганжи ва Оқчобсой маҳаллаларида мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Бу ишлар бугун ҳам давом этяпти. Аммо мазкур хайрли тадбирларда асосан, давлат ташкилотлари ва корхоналар вакиллари иштирок этяпти. Юрт келажаги, табиат мусаффолиги, фарзандлари саломатлигини ўйлаган ҳар бир инсон "Яшил макон" лойиҳасига ҳисса қўшса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Яқинда бир тадбирда вилоят ҳокимининг "Тушунмайдиган одам йўқ, тушунтиролмайдиган раҳбарлар бор", деган гапи эътиборимни тортди. Нафақат раҳбарлар, кўпни кўрган отахон ва онахонлар, маҳаллалардаги фаоллар бугун мудраб ётган ёшларимизни уйғонишга, оддий одамларимизни шиддат билан ривожланаётган замондан ортда қолмасликка чақириши керак.

**Шавкат ЗИЯДИНОВ,**
**Республика маънавият тарғиботи маркази Қўшработ тумани бўлинмаси раҳбари.**

# Баҳорнинг бир куни йилга татийди

**Кўплаб Осиё давлатларида қиш мавсуми кучли бўлмагани боис йил давомида деҳқончилик қилиш мумкин. Афсуски, бизнинг тасаввуримизда қиш шу қадар мустаҳкам ўрнашиб қолганки, натижада кўпчилик негадир қиш фаслини бекорчилик деб ҳисоблашади.**

Аслида эса бу ҳаёт тарзимиздан ташқари деҳқончилигимиз фалсафасига ҳам мутлақо зиддир. Деҳқончилигимиз март ойидан бошланади. Айрим боғбонлар қиш палласининг вақтинчалик совуқларини баҳона қилишади. Аксинча, куз-қиш ва қиш-эрта баҳор даврида ҳам қуёш нуридан самарали фойдаланиб, экинни парваришлаш мумкин. Бу борада шахсий кузатувларимиз бор.

Масалан, 2010 йилнинг январь ойи нисбатан совуқ келмаганлиги февраль ойининг яхши келишига замин ҳозирлаганди. 10 февралгача ҳаво ҳарорати 8-20 даражагача илиқ бўлган ва 12 февраль куни кучли ёмғир ёққан. Шунингдек, 12 март ва 12 апрель кунлари кучли қор ва ёмғир ёғиб ўтган бўлса, 9 май куни ёққан кучли дўл Тойлоқ, Самарқанд, Жомбой туманларидаги қишлоқ хўжалик экинларига зарар етказганди. Қарангки, 26 майда ҳам Паст Дарғомда дўл ва 17 июнда кучли ёмғир ёғиб ўтганлиги кузатилган.

Бундан ташқари, 2011 йилнинг 8 январида бошланган биринчи қор 17 январгача давом этган. Ой охирида ҳаво ҳарорати -3, -5 даража атрофида бўлган. 23 февралда бошланган қор 5 мартгача давом этган. Шунга қарамай, март ойидан деҳқончиликка киришилган ва бундай ҳолат апрель ойида ҳам кузатилган, 24 апрель куни сел ва дўл бўлиб ўтган бўлса, май ойининг салқин келганлиги қайд этилган. 5-28 июнь ва 13 августда ёмғир тушган бўлса-да, аммо 24 июнда ҳаво ҳарорати +40, +43 даражагача кўтарилган.

2014 йилда об-ҳаво бутунлай ўзгача тарзда кечган. Февралда ҳарорат -18, -22 даражага етган. Март ойи серёғин ва салқин келган. 15 апрелдан ҳарорат 15-20 даража иссиқ бўлган. Худди шундай ҳолат 25 майда ҳам кузатилиб, июнь ойининг 25 санасидан ҳаво ҳарорати 41 даражани ташкил этган.

Кузатувларимизга кўра, 2020 йил май ойининг бошида ҳам кучли ёмғир ёғиб, 8 майда эса кучли жала ёғиши кузатилганди. Бундай ҳол 31 июль куни ҳам рўй бериб, тушга қадар ёмғир ёққан. Қарангки, 2021 ва жорий йилнинг ўтган даври ҳам бундай иқлим ўзгаришидан мустасно эмаслиги ҳайратлидир. Шу тариқа кўрамизки, деярли ҳар йили январь, февраль ойларида ҳаво ҳарорати унча совуқ бўлмай, март, апрель ва ҳатто май ойлари ёғин миқдорининг нисбатан кўп бўлиши кузатилса-да, бу сабзавот-полиз, ғалла, боғ ва бошқа кўплаб экинлар парваришини бемалол амалга ошириш мумкин эканлигини кўрсатмоқда.

**Зубайдулла ИЗЗАТУЛЛАЕВ,**
**Хидирали БОТИРОВ,**
**СамДУ профессорлари.**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**12 АПРЕЛЬ**

**МУРОД Муҳаммад Дўст** – 1949 йилда Нуробод туманида туғилган. Ёзувчи ва жамоат арбоби.

**Зулайҳо НОРҚУЛОВА** – (1937-2015) Пахтачи туманида туғилган. Меҳнат қаҳрамони.

**13 АПРЕЛЬ**

**Аҳтам ЎРОЛОВ** – 1947 йилда Қўшработ туманида туғилган. Архитектура фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.

Луқма

# ҚАШҚА

Унинг асли исми Қарши. Пихини ёрган фирибгар. Яна ҳар хил бўлмағур фисқи фасод, ёлғон миш-мишларни тарқатиб, Қашқа деган лақабни ҳам орттириб олган.

Довур ака томорқасида ишлаётган эди. Кўчадан ўтиб бораётган Қашқа тўхтаб, атрофга аланглаб олди-да, унга қараб бурилди.

- Салом бердик!

Довур ака хушламай алик олди. "Оббо, туркинг қурғур одамлар билан саломлашишни ҳам билмайди-я".

- Хўш, дунёда нима гап? – Довур ака зимдан унга разм солиб, пичинг билан сўради.

- Оламда нима гаплигини билмадим-у аммо маҳаллада бор.

- Хўш, хўш, нима экан?

- Эшитмаганга ўхшайсиз, - Қашқа ҳеч ким йўқмикан дегандай атрофга аланглаб қараб олди. Кейин Довур аканинг қулоғи тагига келиб шивирлади. – Қовул парникчини милиса олиб кетибди.

- Нега олиб кетади? – Довур ака ишонқирамай Қашқага қаради. – Ёлғонни ҳам қотирасан-да, уял-ей!

- Худо урсин, рост. Ҳозиргина хотиним дўконга чиқиб келди. Кўзи билан кўрибди. Ўзиям босар-тусарини билмай, ҳовлиқиб қолганди-да...

- Бўлмаган гап, Қовул унақа йигит эмас. Барака топсин, тикув цехи очди, иссиқхона қурди. Қанча маҳалладошларни иш билан таъминлади. Хайрли ишларда бошқош. Мен уни яхши биламан, қадрдон дўстим, ножўя иш қилмайди. Сен менга қара, Қашқавой, кечирасан, Қаршибой. Бу одатингни ташла, охири вой бўлади.

- Ишонмасангиз, ўзингиз биласиз, айтдим-қўйдим-да. – Қашқа дўпписини бошидан олди-да, чангини қоқиб кийиб, нари кетди.

Довур аканинг кўнгли тинчимади. Қашқанинг гапи рост ёки ёлғонлигини билиш учун иссиқхонага кириб борди. Қовул қўлида иккита пиёладай лимонни ушлаб, ишчиларга тушунтирарди.

- Мана, янги нав нишонаси. Кутганимиздан ҳам зиёда. Энди шу навни кўпайтирамиз.

Довур ака дўстини кўриб, кўнгли хотиржам тортди. Уларга халақит бермай, изига қайтди. "Вой, аблаҳ, Қашқа, гапи ёлғонлигини ўзим ҳам билувдим-а".

Эртаси куни маҳаллада миш-миш тарқалди. Қашқа Соли полвонга таниш-билишларим орқали ер олиб бераман, деб пора олаётганда қўлга тушибди. Бу рост эди.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# ТЎПОРДАГИ ЛОЛАЗОР

**Баҳор келиши билан барчамиз томорқамизда қандайдир юмушлар билан банд бўламиз. Оила бекалари эса бўш ер майдони топиши билан гул экиб, томорқасини гуллар билан безашга ҳаракат қилади. Ана шундай файзли хонадон бекаларидан бири Гулчеҳра Икромовадир.**

Табиатан камтар ва камсуқум бўлган оила бекаси Иштихон туманининг Тўпор маҳалласида истиқомат қилади. Ҳовлисидаги 2 сотих ер майдонида лола гулининг 11 хилини етиштириб келмоқда. Гулчеҳра опанинг хонадони ёнидан ўтсангиз, ажойиб ёқимли ҳид димоғингизга урилади. Шу ерда тўхтаб, ушбу ёқимли ҳиддан баҳра олсам дейсиз.

- Турмуш ўртоғим Баҳриддин Икромов билан 20 йилдан буён мана шундай лола гулларини экамиз, - дейди Гулчеҳра опа. - Бир қариндошимиз бундан анча йиллар аввал қайнотамга Москва шаҳридан 2 дона лола уруғини олиб келиб берган эди, барчаси шундан бошланган. Қайнотам йиллар давомида ушбу лолаларни парваришлаб, бизга ҳам ўргатди.

Лолаларнинг оқ, қизил, пушти, сариқ ва яна кўплаб рангдаги турларини етиштиряпмиз. Бу ишдан асосий мақсадимиз даромад олиш бўлмаган. Эшитган, билган қўни-қўшниларимиз хонадонимизга келиб, суратга олишади, уйимиздан хушкайфиятда чиқиб кетиши мени қувонтиради, гул бўладими ёки унинг уруғими, ҳеч ҳам қизғонмайман, балки ўстириш, парваришлаш йўлларини ўргатаман. Ҳозир гулларнинг айни чиройли тусга кирган вақти, ўртача бир ой мана шундай туради. Июль ойида биз гулнинг пиёзини ковлаб оламиз, октябрь келиши билан ерга яна қайтадан саралаб, экиб чиқамиз.



Гулчеҳра опа шу йўл орқали тадбиркорлик қилишни ҳам режалаштиряпти.

- Бизнинг ҳудудга тайинланган ҳоким ёрдамчиси Шоҳимардон укамиз бу орқали тадбиркорлик қилишимиз мумкинлигини айтди, - дейди у. - Келгуси йилда имтиёзли кредит олган ҳолда иссиқхона қуриб, 8 март байрами арафасига мўлжаллаб, лола гулларини эртароқ етиштириб, сотиш мумкинлигини, бунга эса амалий ёрдам беришга тайёрлигини билдирди. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб, тадбиркорлик билан шуғулланишни ўйлаб кўрамиз.

Ҳа, асл нияти даромад топиш бўлмаган бу опа инсонларга яхшилик улашгиси келади, ҳар бир хонадонни мана шундай лолазорга айлантиришни истайди. Гулга бурканган хонадон нақадар файзли эканини фақатгина у ерга борган инсон ҳис этиши мумкин.

**Матлуба РАББИМОВА.**

# Бош мия қон-томир касалликлари хавфлими?

**Бугунги кунда бош мия қон-томир касалликлари замонавий неврологиянинг етакчи ва долзарб муаммосигина эмас, балки ижтимоий ва иқтисодий муаммо ҳам бўлиб қолмоқда.**

Статистик маълумотларга кўра, бутун дунёда ушбу патология билан хасталаниш 1,5 дан 7,5 гача (1000 та аҳоли нисбатида), касаллик оқибатида келиб чиқадиган ногиронлик кўрсаткичи эса ўртача 30-35 фоизни ташкил қилади. Ушбу касаллик билан хасталаниш илгари 65-70 ёшли хавф гуруҳидаги беморларда учраган бўлса, бугунги кунда касаллик ёшариб, 45-50 ёшда ҳам учраб турибди.

Бош мия қон-томир касалликлари патологиясига сабаб бўлувчи омиллар гипертония касаллиги, қандли диабет, юрак қон-томир тизими касалликлари бўлиб, камҳаракатлик, ортиқча вазн, чекиш, ортиқча эмоционал зўриқиш ва стресслар оқибатида келиб чиқади.

Бош мияда қон айланишининг бузилиши билан кечадиган 43 фоиз беморларда мияни қон билан таъминловчи артериянинг тромб ёки эмбол билан бекилиши натижасида юзага келади. Қон томирлар деворининг торайиши, атероклеротик пилакчаларнинг тўпланиши, қон томирлар деворининг стенози натижасида мия тўқимасига қон келмай, ишемияга сабаб бўлади.

Бош мияда ўткир қон айланишининг бузилиши, яъни ишемик инсультлар бош мия тўқимасининг кислородга ва энергетик эҳтиёжга қондирилмаслиги натижасида келиб чиқиб, ишемия ёки бош мия тўқимасининг қонсизланиши натижасида қисқа муддатларда чуқур неврологик ўчоқли белгилар келиб чиқади. Инсультдан кейинги неврологик асоратлар ҳаракат системасидаги бузилишлар, руҳиятдаги ўзгаришлар, нутқ фаолияти, кўриш ва эшитиш функциялари ва бемор ўз-ўзига хизмат кўрсатишининг бузилиши билан намоён бўлади.

Ушбу касалликларнинг олдини олиш мақсадида беморларга соғлом турмуш тарзига риоя қилишни буюрамиз. Сабаби, инсультга чалинганларда қайталаниш хавфи бўлиб, унинг олдини олиш учун тўлақонли



соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, овқат рационида ўсимлик ёғининг кўп бўлиши, инсон руҳий ҳолатининг мўътадиллиги, стресс ҳолатига тушмаслик тавсия этилади. Шунингдек, чекиш ва зарарли одатларни ташлаш, спорт билан шуғулланиш, ортиқча вазндан халос бўлиш, артериал қон босимини назорат қилиш лозим.

**Гулжаҳон ЎТАГАНОВА,**
**Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-клиникаси неврология кафедраси ўқитувчиси.**

MATBUOT UYI Zarafshon Самаркандский вестник

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

*Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 20 135 nusxada chop etildi. Buyurtma 235. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2*

***Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.***

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56
BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61
MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G'.HASANOV.
Navbatchi: T.SIDDIQOV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X

Sotuvda narxi kelishilgan holda